

СОТИМЖОН ХОЛБОЕВ

МИЛЛИЙ МУСТАКАЙЛЛИК  
ВА ТАРАККИЁТНИНГ

ЎЗБЕК  
МОДЕЛИ



Мен учун Ватан озодлиги, ҳалқимнинг  
омонлиги, юртимнинг рағбиақи, мана шу  
мұқаддас заманда яшайдыған ҳар бир  
оиласынға фаровонлігидан бошқа олий  
саодат йўқ.

Ислом Каримов



9c (сб2)

X-42

СОТИМЖОН ХОЛБОЕВ

МИЛЛИЙ МУСТАКИЛЛИК  
ВА ТАРАККИЁТНИНГ

ЎЗБЕК


МОДЕЛИ

(методология, инновация, тарихий таҳлил)

101423

TDIU  
kutubxonasi

НАБ



Тошкент — «O'ZBEKISTON» — 2015

УЎК: 94(575.1)

КБК 66.5(5Ў)7

X-72

Масъул мұхаррир:

*Акмал Сайдов*, юридик ғанлар доктори, профессор

Тақризчилар:

*Хайдарбек Бобобеков*, тарих ғанлари доктори,

*Шодмон Воҳидов*, тарих ғанлари доктори, профессор,

*Рахбархон Холиковна*, тарих ғанлари доктори, профессор,

*Анвар Кори Турсунов*, Тошкент шаҳар бош имом хатиби,

*Ваҳоб Кўчкоров*, сиёсий ғанлар доктори,

*Невматжон Половонов*, тарих ғанлари номзоди, доцент.

**Холбоев, Сотимжон**

X-72 Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек модели (методология, инновация, тарихий таҳдид). Монография. / С. Холбоев. — Тошкент: «O'zbekiston» 2014. — 240 б.

ISBN 978-9943-28-141-7

Ватанимиз Ўзбекистон Россиянинг қарийб бир ярим асрлик мустамлака зўлмидан озод бўлганига чорак аср тўлмоқда. Бу даврда беҳад катта ва улуғвор тарихий ҳодиса юз берди. Қадимдан дунёга машҳур бўлган давлатчилигимиз замонавий асосда қайта тикланиб, жаҳонга янгитдан танилди. Ватанимиз равнақи Ўзбекистоннинг биринчي Президенти Ислом Каримовнинг миллий мустақиллик ва тараққиёт йўли — «ўзбек модели» асосида амалга ошиб, такомил топмоқда.

Мазкур монографик асарда шу тарихий йўл — моделнинг яратилиши тарихи, ижтимоий-маданий ҳаётда тутган ўрни илк бор тадқиқ этилди.

Китоб тарихчи ва жамиятшунос олимлар, илмий тадқиқотчи ва талабалар, давлат ва жамият бошқаруви раҳбар кадрларига мўлжалланган.

УЎК: 94(575.1)

КБК 66.5(5Ў)7

ISBN 978-9943-28-141-7

© С. Холбоев,

© «O'zbekiston» НМИУ, 2015

## **«Ўзбек модели» — барқарор тараққиёт, фаровонлик ва ҳамкорликнинг умуммиллий стратегик дастури**

*(Сўзбоши ўрнида)*

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам кўйған давр мобайнида босиб ўтган мураккаб, айни пайтда залворли одимларига назар ташлар эканмиз, Ватанимиз озодлиги нақадар машаққатли ва тинимсиз курашлар, ҳалқимизнинг оғир ва фидокорона меҳнати эвазига кўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган эзгу ишларимиз, эришган натижаларимиз беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади. Бу хақда гапиргандা, аввало мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир вазият ҳукм сурганини ёдга олишга тўғри келади. Собиқ совет тизими қатъий марказлаштирилган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш усулига асосланган эди. Фоят улкан табиий, минералхомашё ва меҳнат ресурсларига, инсоний салоҳиятга эга бўлишига қарамай, Ўзбекистон собиқ иттифоқда аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи бўйича охирги ўринлардан бирида турад эди. Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу ҳолатларнинг барчаси эътиборга олиниб, мустақилликнинг ilk кунларидан бошлиб дунё тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди. Унда миллий урф-одатларимизни ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг четдан тиқиширилган, «шок терапияси» деб аталган усуллардан, «бозор иқтисодиёти ўзини ўзи бошқаради» қабилидаги сохта қараашлардан аввалданоқ воз кечиб, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлиқ тизимидан бозор муносабатларига ўтишда инқилобий эмас, балки тадрижий ривожланиш йўлини тан-

лагани бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Айниқса, «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», «Ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» каби ҳаётй шиорлар негизида янги демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти пойдеворини барпо этиш йўлида залворли қадамлар кўйилди.

Асосий негизини иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, сиёсатдан устунлигини назарда тутадиган амалий иқтисодий сиёсат; давлатнинг бош ислоҳотчилик вазифасини ўз зиммасига олиши; қонун устуворлигини таъминлаш; кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш; ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби машҳур беш тамойил ташкил этадиган ушбу тараққиёт модели Айниқса, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзининг нақадар тўғри эканини яна бир бор исботлади.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари айнан ана шу тамойиллар негизида шаклланиб, фаолият олиб борди, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор дастур ва режалари, жумладан, Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу асосда ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилди. Шу аснода биз бутунги кунда собиқ совет тузумидан қолган оғир иллатларнинг хатарли таҳдидларини ентиб ўтиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан сақланиш учун ишончли тўсиқ ва мустаҳкам пойдевор яратиш билан бирга, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланишини, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги узлуксиз ошиб боришини таъминлашга эришмоқдамиз. Энг муҳими, истиқлол йилларида эришилган барча ютуқ ва мэрраларимиз тимсолида Ўзбекистон дунёning тараққий топган демократик мамлакатлари қаторидан мустаҳкам жой эгаллаш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш йўлидан бораётганини кўрамиз. Ўз навбатида, буларнинг барчаси ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсат натижаси, «ўзбек модели» самаралари эканига такрор-такрор ишонч ҳосил қиласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан яратилган, дунёда «ўзбек модели» сифатида тан олинган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, унинг афзалларлари ҳақида мамлакатимиз олимлари ҳамда жаҳондаги нуфузли сиёсатчи ва иқтисодчилар, эксперт ва таҳлилчилар томонидан кўплаб ҳаққоний фикрлар, юксак баҳолар билдирилган. Таниқли тарихчи олим Сотимжон Холбоевнинг «Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек модели (методология, инновация,

тариҳий таҳлил)» номли китоби бу борада навбатдаги янги қадам экани билан эътиборни тортади. Ушбу монографик асарда «ўзбек модели»нинг яратилиш тариҳи, ижтимоий-маданий ҳаётда тутгани ўрни атрофлича тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан миллий тараққиёт йўлимизнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ кўпгина илмий-амалий нуқтаи назарлар илгари сурйлган, муҳим фикрлар, баҳо ва холосалар баён этилган.

С. Холбоев ўз асарида кўтарилган асосий мавзуни методология ва инновация, умуммиллий ва глобал инновацион методологик таълимот, шунингдек, тарих фани ва таълим тизими билан узвий боғлиқликда таҳлил ва талқин этгани алоҳида дикқатга моликдир. Айни шу жиҳатлар тадқиқотнинг янгилиги, долзарблити ва ўзига хослигини таъминлаган.

Китобга Президент Ислом Каримовнинг тарих, муаррих ва тарих фанига оид фикрларидан намуналар илова қилинган. Буларнинг барчаси китобхоннинг «ўзбек модели» ҳақида кенг ва чукур билимга эга бўлишига, ноёб миллий тараққиёт йўлимизнинг тариҳи, туб моҳияти ва аҳамиятини янада тेरан англашига кўмаклашади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда изчил ва тизимли равишда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг таркибий қисми инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш билан узвий боғлиқ. Миллий тараққиётнинг «ўзбек модели» замиридаги асл моҳият эса ҳар томонлама инсон ҳуқуқлари устувор бўлган фуқаролик жамияти ва демократик давлат барпо этишдан иборат. Мустақиллик йилларида инсонга берилган кенг ҳуқуқ ва эркинликлар уни ташаббускорликка, тадбиркорликка, бунёдкорликка, ўзи ва оила аъзолари, маҳалла ва эл-юрт учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга илҳомлантирумокда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, Асосий Қонунимиз негизини ривожланишининг машҳур беш тамойилини ўз ичига олган «ўзбек модели» ташкил этади. Шу маънода, Конституция — барча иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг ҳам, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг ҳам тамал тоши бўлиб хизмат қиласи. «Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт модели мужассам топган»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. — Т.: «Ўзбекистон», 2012, 5-бет.

Истиқолимизнинг ўтган тарихан қисқа даври юртимизда истиқомат қиласидиган, ўзлигини таниган ҳар бир инсон учун ўз хуқуқ ва эркинликларига том маънода эга бўлиш, тарих, бугун ва келажак, истиқбол ва истиқбол олдидағи бурч ҳамда масъулиятини теран англаш йиллари бўлди. Бу йиллар мамлакатимиизда бунёдкор ҳалқимизнинг демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ва самарали ҳаракатлари даври сифатида тарихда зарҳал ҳарфлар билан битилиб қолажак. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз тасдиги ва исботини топган, эътироф этилган бу ҳақиқатни тараққиётнинг ўзбек модели асосида жамиятни янгилаш ва эркинлаштириш жараёнларида амалда ўзини оқлаётган улкан қамровли ислоҳотларнинг бугунги кундаги фоятда самарадорлиги ҳамда ёруғ истиқболга йўналтирилгани яққол тасдиқлаб турибди. Шу нуқтаи назардан, С. Холбоевнинг «Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек модели» номли китоби ушбу йўналишда изланишлар олиб, бораётган соҳа мутахассисларида, айни чоғда, кенг китобхонлар оммасида ҳам катта қизиқиш уйғотади.

**А.Х. САЙДОВ,**

**юридик фанлар доктори, профессор**

## **Муқаддима**

Ватанимиз ўтмишда бир неча мустамлакачилик даврларини бошидан кечирди. Буларнинг энг сўнгтиси Россиянинг хукмронлиги даври бўлди. Салкам бир ярим асрга чўзилган ва икки хил кўринишда, икки хил босқичда кечган мустамлакачиликдан озод бўлиш баҳтига Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг раҳбарлигига эришганимизга эндиғина қарийб чорак аср тўлаяпти. Бу қисқа тарихий даврда мамлакатимиз мислсиз катта ўзгаришларга, янгиланиш ҳамда ютуқларга эришди. Мустақилликимиз мустаҳкамланиб, буюқ келажакка бўлган ишончимиз янада орди. Жаҳон ҳамжамиятидан кўп йиллардан бери ажратиб қўйилган иқтисодий, ижтимоий, маданий, савдо-сотиқ ва бошқа алоқалар қайта тикланиб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ҳалқаро майдонда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Ерга урилган, камситилган, сохталашибтирилган тарихимиз ва қадриятларимиз, «афюн» деб эълон қилинган муқаддас динимиз, эскилиқ деб айтилган миллий байрам ва анъаналаримиз, қатъиян ман этилган хусусий мулкчилик ўз қадр-қимматини топди. Руслаштириш сиёсати ўрнида миллатлараро тенглик, тутувлик ва бағрикенглик муносабатлари мустаҳкам тараққий этмоқда. Барҳам топган миллий давлатчилигимиз қайта тикланиб, ривожланмоқда. Энг муҳими, Миллат, Ҳалқ ҳамда Давлатимиз бой-бадавлат бўлиб, куч-кудратга тўлмоқда. Социализм деб аталмиш тажовузкор мафкура ва гояя асосланган мустабид совет тузуми таг-тути билан барҳам топди. Эркин, демократик ва қонун устуворлигига асосланган фуқаролик жамияти, миллий ғоя ва ҳалқчили мафкурамиз такомил топмоқда.

Хозирги жаҳон миқёсидаги тезкор глобаллашув ва интеграциялашув жараёни ҳамда ўзаро рақобат кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон буларга бардош берибгина қолмай, тобора фаоллашиб, дунёдаги илгор давлатларга тенглашмоқда. Буни қуйидаги қисқа статистик маълумотлар исботлаб турибди:

2013 йилда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карта ўсиди. Экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсиянинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошди, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайди.

Мамлакатимиздаги собиқ совхоз ва колхоз тизимлари ўрнида янги замонавий дехқон хўжалиги, фермерлик ташкил топди, ҳунармандчилик, қурилиш, ободончилик, шаҳарсозлик, автомобиль саноати, замонавий йўл тармоқлари ривожланмоқда. Тошкент ва бошқа кўплаб тарихий шаҳарларнинг қиёфаси тез ўзгармоқда. Қишлоқларимиз шаҳарлар билан тенглашмоқда. Биргина Тошкент вилоятининг ўзида қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар бўйича комплекс қуришга қаратилган дастурга мувофиқ 2009—2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Шунингдек, маориф ва таълим-тарбия тизими мутлақ ислоҳ қилиниб, замонавийлаштирилмоқда. Мавжуд олий ўқув юртлари қайта ташкил этилди. Айниқса, дунёнинг ривожланган муассасалари билан ҳамкорликда очилган янги олий ўқув масканлари ҳамда илмий тадқиқот марказларининг сони ортиб боряпти.

Мамлакатимизда илк бор ҳалқаро транспорт логистика марказлари ташкил этилиб, улар тобора такомил топиб бормоқда. Яна бир муҳим ютуғимиз шундаки, мамлакатимиз ўзини узи ёқилғи-энергетика, ғалла ва бошқа кундалик энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлаш имконига эга бўлди. Булар мустақил тараққиётнинг муҳим жиҳатларидир.

Ўзбекистонда қўлга киритган ютуқларнинг кўлами йилдан-йилга катталашиб бормоқда. Буни Ватанимизга Париж шахридан келган сайёҳ Анна Дауртьенинг ушбу эътирофи ҳам исботлаб турибди: «Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда эришган ютуқлари замирида мустаҳкам пойdevor — Президент Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати мужассам. Шу маънода, Истиқололингизнинг ҳар бир иили асрлар билан бўйлашиди, десам, асло муболага қўлмайман»<sup>1</sup>.

Бу каби самимий сўзларни дунёнинг ҳар бир минтақасидан келган кўплаб меҳмонлар чин дилдан айтмоқдалар. Дарҳақиқат, юртимиздаги бунёдкорлик ва янгилинишлар қувонарлик, мурурланарликдир. Бу борада Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 1 сентябрь.

бабишиланган тантанали маросимда Юргашимизнинг айтган куйидаги сўзларини келтириш айни муддао: «Мустақиллик бу — ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг баркарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдири!»<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, «ҳеч кимга қарам бўлмасдан» мустақил бўлишнинг натижаси ва самараси ила мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар халқаро миқёсда тан олинаётгани айни ҳақиқат. Бунинг асоси эса миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек моделидир. «Ўзбек модели» ҳақида Юргашимизнинг ўзлари шундай дейдилар: «Вақт ўтиши билан биз танлаган, чукур ўйланган демократик ислоҳотлар, дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқрор бўлмоқдамиз»<sup>2</sup>.

«Ўзбек модели» чиндан ҳам Ватанимиз мустақил, халқимиз озод, бой-бадавлат бўлиши учун чукур ўйланган гоя ва назарияларга асосланган ўзига хос ҳамда миллий давлатчилигимизга мос жуда мукаммал ва универсал стратегик таълимот. У Ислом Каримовнинг бутун ижтимоий-сийесий фаолияти, раҳбарлик қобилияти, тарихий, иқтисодий, маданий-маърифий, гоявий-назарий, фалсафий-амалий дунёқарашлари, барча сайдиҳаракатларини ўзида тўла-тўкис мужассамлаштирган ҳолда дунё бўйлаб эътироф этилди. «Ўзбек модели» тарихда инсоният учун намуна бўлиб қолган буюк тарихий шахслар ва давлат бошликлари танлаган йўллар билан тенглаша олади.

Назаримизда бу модел ҳали тарихий нуқтаи назардан жiddий ўрганилгани йўқ. Шу боис ҳам бизда у ҳақда илмий тадқиқот олиб бориш истаги аниқ бир мақсадда шаклланди. Бу эса ушбу монографик асарнинг мавзуси, мазмуни, мундарижаси ва тузилиши тизимини белгилади. Унда «ўзбек модели»нинг тарихи, мазмуни ва моҳияти, мақсад ва вазифаси, тарихда туттган ўрни биринчи бор тарихий нуқтаи назардан ва тарихийлик таомиили асосида тадқиқ ҳамда таҳлил қилинди.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 1 сентябрь.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 1 сентябрь.

Бу мураккаб ва долзарб, ўта масъулиятли илмий масалага кўл уришимиз учун муайян тарихий жараён ва илмий-мунозоравий ҳолатлар сабаб бўлди.

Биринчидан, айтиш жоизки, «ўзбек модели» орадан салкам чорак аср вақт ўтгаётган бўлса-да, тарихий жиҳатдан ўрганилган эмас.

Иккинчидан, ҳозиргача, бу масала билан фақат иқтисодчи, сиёсатшунос ва файласуф олимларимиз ва шунингдек, хорижлик олимлар ҳам машғул бўлиб келмоқдалар<sup>1</sup>. Улар ўз олдиларига қўйган вазифа ва мақсадни юқори илмий-тахлилий даражада бажарганлар. Шунинг учун ҳам бу мутахассисларнинг асосий хизмати ўз соҳалари йўналиши бўйича «ўзбек модели»ни дунё тан олиши, мамлакатимизда эса, у жамоатчиликка ҳам кенг маъно, мазмун ва тушунчада сингиб кетишида беҳад катта бўлди.

Учинчидан, юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқотлар «ўзбек модели»нинг мукаммал мазмуни, моҳияти, тарихи, аҳамияти ва тарихда тутган ўрнини тўла-тўкис англата олмайди. Уларда «ўзбек модели» фақат мустақилликдан кейинги сиёсий ва иқтисодий тараққиёт билангина боғланиши уни маълум бир соҳа ва музайян вақт доирасида чеклаб қўймоқда. Унинг тарихи, мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифаси, тарихда тутган ва тутаётган ўрни, бундан-да улуғ, янада кенг ва чуқур. Модомики, «ўзбек модели»нинг муалифи Ислом Каримов экан, бу модел бизнингча, уларнинг Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлган пайтдан бошлаб Миллат, Халқ, Ватан манфаати йўлида олиб борган фидокорона меҳнати, раҳбарлик фаолияти, гоявий-назарий ва фалсафий дунёқараашлари, амалий саъи-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ эканлиги шубҳасиз. Шунинг учун ҳам «ўзбек модели»нинг жамиятда тутган ўрни, тарихи Юртбошимиз 1989 йил 23 июнда Ўзбекистонга раҳбар бўлганидан бошлаб белгиланиший мақсадга мувофиқ бўлиб, тарихий ҳақиқатга тўғри келади. Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқилган ҳолда аввало, «ўзбек моде-

<sup>1</sup> Карап г: Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбек модели. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2012; Шарифхўжаев М. Узбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. — Т.: «Шарқ» 2003; Кувватов Н.Б. Ўтиш даври: назария ва амалиёт (Сиёсий-фалсафий таҳти). — Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012; Тараққиётнинг ўзбек модели [Махсус курс]. — Т.: «Иход дунёси», 2002; Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш пайласида. Президент Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. — Т.: «Ўзбекистон», 2001; Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. — Т.: «Ўзбекистон», 1996; Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт асоси. — Т.: «Ўзбекистон», 2001; Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. — Т.: «Шарқ», 1999.

ли» икки маъно ва мақсадга, шунингдек, икки тарихий давр ёки босқичга эга эканлигини эътироф этиш лозим. Биринчиси — миллий мустақилликни юзага келтиргани, иккинчиси — Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётини тобора мустаҳкамлаб келаётганлигидир. Бўндан қатъий хулоса шуки, уни, Президент Ислом Каримовнинг миллий мустақиллик ва мустақил тараққиёт йўли — «ўзбек модели» деган маънода англаш ва тарих фанига киритиш мақсадга мувофиқ.

**Тўртинчидан**, «ўзбек модели»ни яна бир маънода Ислом Каримовнинг миллий мустақиллик ва мустақил тараққиёт таълимоти деб айтиш ҳам ҳақиқатdir. Тўғри таълимотлар тарихда доимо буюк ўзгаришларга, жадал тараққиётта олиб келган, барча синовлардан ўтган. Шу жиҳатдан олганда, «ўзбек модели» муҳим таълимот сифатида Ўзбекистонни асрий қарамликтан мустақилликка олиб чиқиб, уни буюк келажак сари дадил қадамлар билан етакламоқда. Бинобарин, Юртбошимизнинг миллий мустақиллик ва мустақил тараққиёт таълимоти қомусларда кўрсатилган таълимотларга мос келадиган талабларга монанд илмий-назарий қоидалар, ғоялар, концепция ва тамоилилар мажмуудан иборат.

**Бешинчидан**, «ўзбек модели» доимо тадрижий асосда узлуксиз равишда ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам у ҳозирги замон интеграциялашуви, глобаллашуви жараёнидаги барча қарама-қаршиликларга тўла жавоб берадиган, миллият манфаатларига оид буюк илмий-инновацион масалалар ечими билан тобора бойиб-тўлиб борувчи энг замонавий миллий-глобал моделдир. Дарҳақиқат у, ўз муаллифининг етакчилик ва раҳбарлик фаолияти маҳсули сифатида йилма-йил янги мақсадлар ва ғоялар билан янгиланиб бормоқда. Бунга энг сўнгги улкан воқеаликлардан бирини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Бу Юртбошимиз 2013 йил 26 апрелда ҳалқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида илк бор эълон қилган, (ҳозирда эса жадал қурилаётган) кенг қамровли ва умуммиллий аҳамиятга молик инновацион лойиҳа — Ангрен—Поп темир йўли қурилишидир: «**Биз, — дейди Ислом Каримов, — қўпдан буён ўйлаб юрган, бугунги кунга келиб рўёбга чиқариш имкони пайдо бўлган яна бир муҳим режамиз ҳақида сизларга ахборот бермоқчиман. У ҳам бўлса, Ангрен — Поп йўнали-**

шида умумий узулиги қарийб 125 км бўлган электрлаштирилган темир йўл қуриш лойиҳасини амалга ошироқчимиз<sup>1</sup>.

Мазкур темир йўл икки улкан тонгнинг тагидан ўтади. Бу ҳабар бутун ҳалқимизнинг, айниқса Фаргона водийсининг барча фуқароларида севинч ва ифтихор туйгуларини янада юксакликка кўтарди. Дарҳакиқат, XXI асрга монанд бўлган бу темир йўл борасида Юртбошимиз катта ишонч билан шундай дедилар: «Насиб этса, 2016 йилда мана шу темир йўл қурилиб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан бемалол қатнаш имконига эга бўламиз<sup>2</sup>.

Олтинчидан, «ўзбек модели»га оид янада бир масала — унинг бевосита бутун жамият ва барча илм-фанларни ҳам янгилашиб, тарақкий эттирувчи умумметодологик мазмуни, моҳияти масаласидир. Ҳар қандай мақсад катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, муайян илмий foя, назария ва таълимотлар мажмуидан иборат методологик йўл-йўриққа таянади. Акс ҳолда, ҳеч бир янгилик, самарали натижка рўёбга чиқмайди.

Буни бундан олти аср муқаддам Италияда рўй берган Уйғониш даврининг асосчиларидан бири бўлган, рассом ва файласуф Леонардо да Винчининг ушбу сўзлари исботлаб турибди: «Назариясиз амалиёт билан шугуланаётган киши рўлсиз ёки компассиз кема ҳайдовчисига ўхшайди! Қаёққа сузаёттанини, кетаёттанини билмайди»<sup>3</sup>. «Ўзбек модели»га агар мана шу методологик илмий нуқтаи назардан жиддийроқ ёндашилса, у ушбу икки мазмун ва маънодаги методологик назарияга таянишини тўғри англаш мумкин бўлади. Буларнинг биринчиси — «ўзбек модели» шаклланиб, дунёга келишига бевосита асос бўлган, унинг ўзигагина тегишли бўлган ўз хусусий методологик назария, foя, тамойил ва таълимотларнинг мажмуидан иборатлигидир. Иккинчиси эса, «ўзбек модели» ўз хусусий методологик асослари билан бирга, бошқа умумий универсал мазмун ҳамда аҳамиятга эга бўлган ва ҳамма соҳа фанлари учун ҳам муҳим ҳисобланувчи методологик асосларга таянишидан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам «ўзбек модели» илм-фан ва жамият тарақкиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган икки мазмун ва маънодаги (ёки икки йўналиш ва кўринишдаги) методологик асосларга

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2013-йил 17 апрель.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2013-йил 17 апрель.

<sup>3</sup> Мамашокиров С. Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари. — Т.: «Нур», 1993, 4–5-бетлар.

асосланганлиги учун унинг ўзи ҳам, умуман олганда умумий методологик мазмун ва аҳамиятга эга. Бу унинг нафақат тарих фанининг, балки, бутун жамиятнинг янгиланиб, тараққий этишидаги асосий етакчи куч — методологик асос бўлиб хизмат қилаётганлигида яққол намоён бўлмоқда.

Еттингчидан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи фани ва унинг методологияси коммунистик тарих фани ҳамда методологиясидан фарқли равишда, «ўзбек модели», Президентнинг методологик йўл-йўриғи асосида мутлақ янги мазмунда шаклланиб, ривож топа бошлади.

Саккизингчидан, Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, Ўзбекистон тарихи фанини қайта ташкил этиш, янглаш ва ривожлантириш учун кўрсатган йўлларидан бири — унинг тўғри ва ҳаққоний илмий назарияларга асосланган методологиясини яратиш бўлган эди. Бу тўғрида у ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли рисоласида қўйидаги аниқ талабларни қўйган: «...Тарихчи олимларимиз, ҳар бири турли тушунча, муайян қаравшга эга бўлишидан қатъи назар, бир жойга тўпланиб, баҳс юритиб, бир холосага келишлари керак».

«Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошлаш лозим? Аввало, кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини (методологиясини — С.Х.), қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал кадрлар масаласини аниқлаб олишдан. Бу келажакда ҳам узлуксиз давом этадиган катта ишнинг бошланиши бўлади»<sup>1</sup>.

Бизга маълум бўлишича, ўтган мустақиллик йилларида республика миқёсида бу ўта муҳим илмий-назарий масалага оид иккита илмий-амалий анжуман ўтказилган, холос: Буларнинг ҳар иккисида ҳам тарих фанининг методологиясига оид кўтарилиган фикрларда айрим эски ноилмий, сохта нуқтаи назарлар мавжуд. Ҳатто, баязи маърузалар номланишига кўра, методологияга оид бўлса-да, уларнинг мазмунида бирор-бир янгича фикр у ёқда турсин, умуман методология деган сўзнинг ўзи учрамайди<sup>2</sup>.

Умуман, бу юкоридаги икки тарихий анжуман тарих фани бир қадар такомил топишига, янгиланишига муайян ҳисса кўшганини ҳам таъкидлаш жоиз. Шунинг билан бирга, бу анжу-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998, 21, 30-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. — Т.: «Академия». 1998, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи: назарий-методологик асослари, тадқиқот тажрибаси, маъна ва усуслари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. — Ташкент, 2013.

манлар тарих фанининг методологияси ишлаб чиқилиши ҳамон ўта долзарб масала бўлиб турганлигидан далолат бермоқда. Ўзбекистон тарихи фанининг методологиясига оид илмий-назарий, гоявий-фалсафий асослар, талаб, тамоийл ва концепциялар Юртбошимизнинг асарларида ҳамда маъruzаларида ўз аксини топган. Асосий масала — тарихчи олимлар буларни жамлаб, Юртбошимиз таъкидлаганлариdek, «**бир жойга тўпланиб, баҳс юритиб, бир хуносага келишлари керак**».

«Ўзбек модели» Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолияти, амалий, сиёсий сайди-ҳаракатларининг инъикоси бўлиб, ўзига хос бир бутун ва кенг қамровли универсал методологик таълимотdir. Шунингдек, у Ўзбекистоннинг фақат мустақил тараққиёт моделигина эмас, балки шу мустақиллик учун тарихий мухит тақозоси ва талабига кўра тинч демократик йўлда олиб борилган миллий озодлик курашининг ҳам ўзига хос модели бўлганлиги ойдек равшан.

«Ўзбек модели» ўз мазмуни, моҳияти ва вазифасига кўра, Ўзбекистонда барча соҳаларнинг янгилиниши ва тараққиётiga асос бўлган соҳа моделлари мажмуидан иборат. Шунинг учун ҳам у бир томондан, универсал мазмундаги методологик таълимот бўлса, иккинчи томондан, глобал, умуммиллий инновацион лойиҳадир. Мана шуни ҳисобга олган ҳолда биз ушбу китобда энг аввало, умумий тарзда методология ва инновациянинг мазмуни, моҳияти ҳамда вазифаларини имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдик. Бундан мақсадимиз, ҳозирги методологик «бўшлиқ»ни тўлдиришга, янги соҳа бўлмиш инновацияни ҳам кенгроқ тушунтириш, шу орқали «ўзбек модели»нинг методологик ва инновацион мазмунини чукурроқ очиб беришга ҳаракат қилишдан иборат бўлди.

Ушбу монографик асарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг миллий мустақиллик ва мустақил тараққиёт йўли — «ўзбек модели» тарих фани нуқтаи назаридан биринчи бор анча кенг ўрганилди. Унда муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги, баъзи долзарб масалалар эътибордан четда қолган бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам ушбу тадқиқот бўйича холос фикр-мулоҳазалар биз учун ўта муҳим ва қимматлидир.

\* \* \*

Ушбу китобдаги фикр-мулоҳазаларимни қўллаб-куватлаб, унинг чоп этилишига ҳисса қўшган ЎзФА академиги Баҳтиёр Назаров, публицист ёзувчи, профессор Абдуқаҳор Иброҳимов, т.ф.д. профессор Раҳбархон Муртазаева, т.ф.н. Алишер Сабировларга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

*Мен учун Ватан озодлиги, ҳалқимнинг омонлиги, юртимнинг равнағи, мана шу муқаддас заминда яшайдиган ҳар бир оиласнг фаровонлигидан бошқа олий сабодат иўқ.*

**ИСЛОМ КАРИМОВ**

## I бўлим

### **МЕТОДОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИЯ — ТАРАҚКИЁТ ЎЗАГИ**

#### **1. Методология — инсоний фаолиятни тараққиётга йўналтирувчи компас**

Методологиянинг умумий мазмуни, моҳияти, вазифаси ва аҳамияти энциклопедияларнинг ҳаммасида қарийб бир хил маъно ва тушунчада талқин этилади, таърифланади. Уларда кўрсатилишича, «методология» юононча атама бўлиб, икки сўз бирикмасидан ҳосил бўлган илмий-амалий тушунча. «Метод» — «усул» (йўл-йўриқ), «логия» эса «фан», «назария», «гоя», «билим» ва «таълимот» деган маъноларни англатади. Демак, методология — кенг маънода инсоний фаолият, жамият ва фанлар тараққиётига йўл-йўриқ, кўрсатувчи таълимотлар, назария ҳамда боялар, усул ва тамоиллар, мезон ва концепциялар, дин ва динлар мажмуи. Шунингдек, методология — инсоний онгли майший ҳаёт ва илмий фаолиятни аниқ бир мақсад сари йўналтирувчи ва уларнинг самара билан якун топишини таъминлай олувчи зарурий илмий назария, гоя, мафкура, таълимот, қонуният, анъана, мезон, концепция, усул ва тамоилларнинг олий даражада ўзаро уйғунлашган бир бутун мажмуи — тизимидан иборат фан.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»да ёзилишича, «методология — тадқиқотчининг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш, тиклаш тамоиллари ва усуллари тизими ҳамда бундай тизим ҳақидаги таълимот. Методология методлар (ўзбекча — усуллар — С.Х.) ҳақидаги таълимот ёки ялпи-умумий билиш методи (усули), деб ҳам таърифланади. Методология ме-



## МУНДАРИЖА

«Ўзбек модели» — барқарор тараққиёт, фаровонлик ва ҳамкорликнинг умуммиллий стратегик дастури (Сўзбоши ўрнида).....	3
Муқаддима.....	7
<b>I бўлим . Методология ва инновация — тараққиёт ўзаги.....</b>	<b>15</b>
1. Методология — инсоний фаолиятни тараққиётта йўналтирувчи компас....	15
2. Коммунистик методология ва унинг ҳозирги асоратлари.....	33
3. Инновация — янгиланиш ва тараққиёт асоси.....	53
<b>II бўлим . Миллий мустақилликка эришишнинг ўзбек модели.....</b>	<b>73</b>
1. Умуммиллий ва глобал инновацион методологик таълимот.....	73
2. Мустақиллик — миллат иқболи.....	90
3. «Ўзбек модели»нинг тарихий-маънавий илдизлари.....	111
<b>III бўлим . Миллий мустақил тараққиётнинг ўзбек модели..</b>	<b>125</b>
1. Тараққиётимизнинг халқаро эътирофлари.....	125
2. «Ўзбек модели»нинг методологик асослари.....	141
3. Диний ва дунёвий мўтадилик — тараққиёт қонуни.....	151
<b>IV бўлим . «Ўзбек модели» ва Ўзбекистон тарихи фани.....</b>	<b>173</b>
1. «Ўзбек модели» — тарих фани янгиланишининг методологик омили.....	173
2. Тарих тадқиқотининг янги методологик мезонлари.....	190
3. Миллий олий тарихий таълим қарор топишидаги муаммолар .....	201
<b>Хуоса.....</b>	<b>210</b>
Илова: Ислом Каримовнинг тарих, муаррих ва тарих фанига оид методологик фикрларидан намуналар.....	221
Фойдаланилган адабиётлар.....	231
Муаллиф ҳақида.....	238